Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана





Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил 30 ноябрь • № 48 (913)


*Съезд*

## НАУКА О ЖИЗНИ И ЕЕ МЕРИЛАХ





***Из всех дисциплин в области изучения как жизненных мерил человека, так и его организма с наибольшей точностью – почти до максимума – ответ на вопрос “что” дает патологоанатомия. Это так, и не стоит нам сразу вдаваться в крайности...***

Сегодня медицина как наука, и все ее направления в том числе, настолько, оказывается, шагнула вперед, что спустя совсем малое время мы узнаем все больше и больше нового о ее возможностях с использованием уникальных методов обследования, диагностирования и лечения. Уже одно то, что даже в патологоанатомической службе нашей страны активно используется телемедицина, подчеркивает, насколько эта сфера способна служить прижизненной диагностике заболеваний, и особенно опухолевых. И все это – во имя жизни, во благо обеспечения здоровья человека.

Несомненно, при этом есть один и единственный критерий в успешной реализации достижений науки и практики. Лишь всем сердцем преданный своему любимому делу, одним словом, профессионал, и настолько, что способен наизусть “читать” свою работу каждый день и без устали, может поднять на уровень всеобщего признания эту особую сферу деятельности, которая дарует человеку надежду и уверенность на выздоровление.

К таким выводам мы пришли в ходе знакомства с многочисленными докладами, озвученными в рамках III съезда патологоанатомов Узбекистана. Сразу отметим, что представительность этого уникального форума, организованного Министерством здравоохранения, Республиканским патологоанатомическим центром и Обществом патологоанатомов, заключалась не только в широкой аудитории специалистов сферы, а прежде всего в обеспечении информационной насыщенности, возможности получить недоступные в ином ракурсе сведения из области патологической анатомии, которые, на наш взгляд, прозвучали впервые с трибуны съезда. И учитывая, что гостями мероприятия были ученые и практики из многих стран, материалы двухдневного съезда патологоанатомов нашей страны также будут освещены в международных кругах.

В повестке дня съезда поднимались актуальные проблемы патологической анатомии, в тесном контакте с зарубежными коллегами обсуждались грани дальнейшего развития сотрудничества в области применения новейших технологий в патологоанатомической службе, специалисты обменивались мнениями по многим узким сферам этой деятельности. В целом, можно сказать, состоялся открытый диалог патологоанатомической науки и практики.

Не могло не привлечь внимание и то, что гости мероприятия стремились продолжать обсуждение тех или иных тем даже в перерывах между пленарными заседаниями, дабы, нам показалось, им было очень интересно узнать о достижениях и перспективах патологоанатомов Узбекистана.

– И это все потому, – подчеркнул, внося ясность в наше любопытство, руководитель отделения детской патологии Республиканского патологоанатомического центра, доктор медицинских наук Хасан Турсунов, – что узбекистанские специалисты в этом направлении медицины во многом преуспевают. Патологическая анатомия является фундаментальной медико-биологической дисциплиной, также важное место она занимает в структуре практического здравоохранения. Патологанатомическая служба в последнее время приобретает все большее значение в повышении уровня медицинской помощи населению, совершенствовании профессиональных знаний врачей. Более того, не стоит забывать, что наука и практика медицины служит человеку, и в данном случае нас не должны разделять географические границы.

Стоит отметить, что общая тематика съезда охватила очень многие аспекты сферы патологоанатомии, не были обойдены вниманием вопросы более широкого внедрения ИКТ в практику патологоанатомических учреждений дальних регионов республики, обсуждались основные направления в изучении патологии человека, в частности материнской и детской патологии, а также онкопатологии. Одним из важных был поднят и вопрос подготовки специалистов в области патологоанатомии.

В работе съезда приняли участие заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан А. Икрамов и заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, председатель Комитета женщин Э. Баситханова.

**По итогам съезда была принята специальная резолюция, в которой предусмотрены основные направления дальнейшего совершенствования патологоанатомической службы страны.**

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

*Хабарлар*

### МУҲИМ ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

***“Ҳаёт учун” кўкрак бези саратони Миллий уюшмаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир қатор соғломлаштириш марказлари ҳамкорлигида Оролбўйида хайрия акцияси ўтказилмоқда.***

Акция доирасида пойтахтимиздаги тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари – онколог, психолог, гинекологлар жойларда бўлиб, аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

– Мазкур акция “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури асосида ташкил этилди, – деди “Ҳаёт учун” кўкрак бези саратони миллий уюшмаси директори Шаҳноза Умарова. – Шу кунга қадар 17 мингдан ортиқ аёллар кўрикдан ўтказилиб, уларга хасталикнинг олдини олиш, аниқ ташхис қўйиш, ўз вақтида даволаш бўйича кенг тушунча берилди. Касаллик аломатлари аниқланган аёлларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

### ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

***“Дори-дармон” очиқ акциядорлик жамиятининг Навоий вилоят бўлими тасарруфидаги “Авиценна” ишлаб чиқариш фирмасида йод, этил спирти тайёрлаш йўлга қўйилди.***

Айни пайтда вилоятнинг барча туман ва шаҳар марказларида мазкур жамиятнинг дорихоналари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида ҳам филиаллар очилган. “Авиценна”да тайёрланаётган дори воситалари айнан шу дорихоналарга етказиб берилмоқда. Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Илҳом Очиловнинг айтишича, фирмага Навоий тиббиёт коллежининг фармацевтика йўналишида таҳсил олган беш нафар битирувчи ишга қабул қилинган.

### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаётир.***

Жомбой туман тиббиёт бирлашмасида олиб борилган қурилиш-реконструкция ишлари давомида болалар ва юқумли касалликлар бўлими фойдаланишга топширилди.

**ЎзА.**

Кенгаш йиғилиши

# ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ – МАСЪУЛИЯТ ВА ТАЛАБ

***Жорий йилнинг 27 ноябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ҳамширалар кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини жадал ривожлантириш, ўрта тиббиёт ходимлари касб малакасини ошириш, узлуксиз таълим тизими жараёнларини изчил давом эттириш масалаларини муҳокама этишга қаратилган мазкур йиғилишда Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, республикадаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, вилоятлар ҳамда шаҳар тиббиёт муассасалари бош ҳамширалари иштирок этди.***



Йиғилишни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, инсон саломатлиги ва унинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қатор чора-тадбирларга эътибор қаратди. Бу борада узлуксизликни таъминлашда тиббиёт ходимларининг касб маҳорати, иш юритиш услуби, бунинг баробарида ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини юқори сифат босқичига кўтариш жараёнида татбиқ этилаётган Давлат дастурлари ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар хусусида тўхталинди. Шу билан бирга соҳада айрим камчилик ва муаммолар борлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ маърузаларнинг аксарияти шифохона фаолиятини замонавий босқичда тартибга солиш, шифокорлар ва ҳамшираларнинг касб малакасини ошириш механизмини илғор ривожлантириш, узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш, соҳада янгича услубдаги иш юритиш тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилди.

Республика санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири Н. Аллаберганованинг "Даволаш-профилактика муассасаларида "Шифохона ичи инфекцияси профилактикаси" бўйича 0304-12-сонли СанПиН-нинг бажарилишини таъминлаш" мавзусидаги маърузасида тиббиёт муассасаларининг бугунги аҳволи, тартиб-қоидаларнинг амалиётдаги ечими каби масалалар диққат марказида бўлди. Иштирокчилар томонидан СанПиН қоидаларига тўлиқ амал қилиш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича амалий тажрибаларда муаммолар борлиги таъкидланди.

Йиғилишда асосий эътибор ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, уларни ихтисослаштириш ва қайта тайёрлаш масалаларига қаратилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Р. Салиходжаева олий ҳамширалик иши, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларга малака тоифасини бериш тартиб-қоидалари, қонун ҳужжатларига киритилган янги ўзгаришлар, даволаш-профилактика муассасаларидаги тартиб-интизом, ҳамшираларнинг беморлар билан мулоқот жараёнидаги этика ва деонтология масалалари ҳамда бирламчи тиббиёт бўғинида фаолият юритаётган ходимларнинг янги шаклдаги ҳужжатларда иш юритиш тартиб-қоидаларига алоҳида тўхталиб ўтди.



Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган ҳамшираларнинг узлуксиз таълим жараёнлари хусусида "Саломатлик-3" лойиҳаси координатори Ф. Фузайлов маълумот бериб, келгусидаги вазифаларга эътибор қаратди.

Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш марказининг комплектация бўлими бошлиғи Г. Усманбекова ўрта тиббий ходимларнинг касб малакасини ошириш, уларни йўналишлар доирасида ихтисослашувини таъминлаш, қайта тайёрлаш масалаларида давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишларга урғу берди. Айниқса, ҳамшираларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларни замон талаблари даражасида билим олишлари ва фаолият юритишлари учун етарли имкониятлар яратиш бўйича ҳам қатор комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг амалдаги натижалари таҳлил қилинди.

**Йиғилиш давомида Кенгаш фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.**

Спорт

# ШИЖОАТ ВА ЧАҚҚОНЛИК УСТУН КЕЛГАНДА...

***Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши билан ҳамкорликда тармоқ тизимидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида "Спорт – саломатлик гарови" шиори остида республика спартакиадасининг якуний финал босқичи ўтказилди.***





Тадбир бошида таъкидланганидек, спартакиадани ўтказишдан мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини орттириш ҳамда тармоқ тизимидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларини касаба уюшмалар сафига жалб қилишдан иборатдир.

Спорт мусобақаларида тиббиёт коллежлари ўқувчилари иштирок этди. Финал босқичига қадар ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида спартакиаданинг ҳудудий босқичлари ташкил этилиб, 70 мингдан ортиқ ўрта-махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари қатнашди. Якуний финал босқичида ҳар бир ҳудудий босқичда ғолиб бўлган 100 нафар коллеж ўқувчилари ўзаро куч синашдилар. "Алпомиш ва Барчиной" тестлари, стритбол, енгил атлетика ва мини-футбол бўйича мусобақаларда ўқувчилар ўз маҳоратларини зўр иштиёқ билан намойиш эта олдилар.

Мини-футбол бўйича Тошкент шаҳри, стритболда Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари биринчи ўринга сазовор бўлди. Енгил атлетика бўйича беллашувларда 16 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасида – Фарғона вилояти, 17 ёшли ўғил болалар ўртасида – Тошкент шаҳри, қизлар ўртасида – Наманган вилояти, 18 ёшли ўғил болалар ўртасида – Тошкент вилояти, қизлар ўртасида – Сурхондарё вилояти етакчилик қилди. Республика спартакиадасининг якуний финал босқичида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларга муносиб деб топилган ғолиблар ҳамда фаол иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



**Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.**




# НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ АСОСИ

***Маълумки, давлатимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юқори даражага кўтариш мақсадида кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг кунлик билим доирасини бойитиш борасида изчиллик билан узлуксиз тиббий таълим жараёнларининг олиб борилаётганлиги тизимдаги фаолият кўламини янада кенгайтирмоқда.***



Шу ўринда айтиш жоизки, бирламчи тизим йўналишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари ҳамкорлигида қишлоқ врачлик пунктлари мутахассислари тиббиёт олий ўқув юртлари қошидаги УАШ тайёрлаш марказларида ўн ой таҳсил олиб, умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлди.

Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги ўн ойлик ўқув курсларида шаҳар оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар педиатр ва терапевтлари малака оширмоқда.

Тингловчилар икки ҳафта давомида назарий ва амалий кўникмаларини бойитаётган бўлса, кейинги икки ҳафта давомида иш жойларида олган билимларини татбиқ этмоқда. Ушбу жараёнларга ойдинлик киритиш мақсадида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида таҳсил олаётганлар ва ўқитувчилар билан суҳбатда бўлдик.

**Назира НАРМУҲАММЕДОВА, Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедраси қошидаги УАШ тайёрлаш ва аллергология кафедраси қошидаги УАШ малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси доценти:**

– Ўқув курсида Тошкент шаҳри, Тошкент, Наманган, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона вилоятларининг оилавий ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникаларда фаолият юритаётган участка педиатр ва терапевтлари қатнашмоқда. Ўн ой давомида 100 нафар умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш режалаштирилган. Ўқув машғулотлари 33 хил йўналишда тажрибали ассистент ва доцентлар томонидан олиб борилмоқда. Дарслар Тошкент шаҳар 16-, 37-оилавий поликлиникалар қошидаги ўқув марказларида ўтказилмоқда.

Тингловчилар учун зарурий шароит ва имкониятлар яратилган. Мутахассислар машғулотлар давомида муляжлар ёрдамида амалий кўникмаларини мустаҳкамлайди. Баъзи касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш усулларини ўзлаштириш учун пойтахтдаги етакчи клиникаларда, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика руҳий касалликлар клиникасида амалиёт олиб борилади.

Ўқув курсининг афзаллиги шундаки, тингловчилар икки ҳафта давомида назарий билим олса, икки ҳафта поликлиникаларда фаолиятини давом эттириб, ўзлаштирганларини амалиётга татбиқ қилади. Уларнинг тажрибасини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўқув доирасида долзарб мавзудаги лойиҳалар топширилади. Тингловчилар сертификат олиш арафасида ушбу лойиҳа бўйича якуний имтиҳондан ўтадилар. Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашдан асосий мақсад аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишдир.

**Малоҳат ЮСУПОВА, Қўқон шаҳар 10-оилавий поликлиника педиатри:**

– Мана 27 йилдирки, тиббиёт соҳасида фаолият юритиб келаяпман. Аввало халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса болалар соғлигини мустаҳкамлашда ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Кейинги йилларда Юртбошимизнинг инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари боис тизимда ислоҳотлар жараёни босқичма-босқич амалга оширилиб, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи янада ортиб бормоқда. Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлиги ҳар бир тиббиёт ходими зиммасига катта масъулият юклайди.

Поликлиникамизда ҳам ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилиб, оналар ва болалар соғлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бир неча йиллардан буён ҳудудимизда оналар ва болалар ўлими кузатилмади. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тўғри йўлга қўйганлигимиз боис юқумли ва бошқа касалликлар кўрсаткичи ижобий томонга ўзгарди. Эътирофлиси шундаки, давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳамкор ташкилотлар томонидан тизимда кадрлар малакасини ошириш, узлуксиз тиббий таълим жараёнларини давом эттириш касбий маҳоратимиз бойишида муҳим ўринга эга бўлмоқда.

"Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги ўн ойлик ўқув курсида таҳсил олаётганимдан хурсандман. Билим олишимиз учун барча шароитлар мавжуд. Айниқса тажрибали ассистент ва доцентлар томонидан олиб борилаётган дарс машғулотлари жаҳон стандартлари асосида ўтказилмоқда. Болалар шифокори бўлганим боис илмий лойиҳамни ҳам айнан беш ёшгача бўлган болаларда гижжа касаллигининг олдини олиш ва аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш мавзусига қаратдим. Бугунги кунда болаларни юқумли касалликлардан эҳтиёт қилиш, гижжа касалликларига қарши курашиш бўйича замонавий даволаш усулларини амалиётда қўллаш сингари тажрибаларни умумлаштиришда танланган мавзуим менга қўл келмоқда.

Курс давомида мен нафақат педиатр, балки ички касалликлар шифокори ва акушер-гинеколог сифатида назарий билимларимни амалиётда қўллаб кўрдим. Бу деган "Саломатлик-3" лойиҳаси имкониятлари туфайли кўпгина тор мутахассисликдаги шифокорларимиз оила шифокори мақомига эга бўлмоқда.

Аввалари битта йўналишда беморларни қабул қилардик. Эндиликда доирамиз янада кенгайиб, ишлаш механизми тубдан ўзгарди, касбий масъулиятимиз ошди.

Ўқув марказида биз даставвал оила шифокори ким, у нима учун керак, деган саволларга жавоб олиб, янги тушунчалар билан танишдик, ҳар бир янгиликка жиддий ёндошиб, унинг мазмун-моҳиятини ўргандик. Бемор билан олиб бориладиган мулоқот жараёнларининг инсон ҳаётини сақлаб қолишдаги аҳамияти, қандай қилиб сифатли тиббий хизмат кўрсатишга эришиш мумкин, деган саволларга ҳам замонавий таълим стандартлари асосида жавоб топдик. Бу ерда ўқиш баробарида олган билимларни амалий татбиқ этиб кўрмоқдамиз.

Айни кунда муассасамизда барча шароитлар яратилган. Айниқса лаборатория, физиотерапия хоналари мавжудлиги аҳолига катта қулайлик туғдирмоқда. Энг муҳими – фаолиятимиздан халқ мамнун. Назаримда, ҳар бир шифокор учун бу қувонарли ҳолдир.

**Шаҳноза ЯҲЁЕВА, Тошкент шаҳар 18-оилавий поликлиника терапевти:**

– Ўқув курси менга аввало жаҳон тажрибалари даражасидаги билимларни эгаллашга, кенг қамровли соҳа вакили сифатида иш юритишимга, касалликни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва асоратларнинг олдини олиш ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга кенг йўл очиб берди десам, муболаға бўлмайди.

Бизнинг асосий мақсадимиз аҳолининг жинси, ирқи ва миллатидан қатъи назар, шошилинч тиббий ёрдамни кўрсатиш, касалликни эрта аниқлаш ва тиббий маданиятини оширишдир. Бу ҳар бир ҳамкасбимизнинг иш фаолиятидаги шиор ҳисобланади. Ўқиш давомида устозларимиз Назира Нармуҳаммедова,

(Давоми 4-бетда).




# НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ АСОСИ



Абдуқодир Жўраев, Мунира Маҳмудова, Умида Эшниёзова, Гулчеҳра Расуловалардан олган назарий таълимларимиз амалий жараёнларда қўл келди. Фаолиятимдан келиб чиқиб танлаган лойиҳам “Фертиль ёшидаги аёлларда қандли диабетни аниқлаш ва унинг олдини олиш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш” мавзусига қаратилган. Бу албатта, иш жараёнимда асосий ўринга эга бўлиб, амалда самарали натижаларни беради, деб ўйлайман.

Бугунги кунда ҳудудимиз кесимида 2150 нафар аҳолига хизмат кўрсатаман. Фертиль ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғилажак фарзандлар ҳар томонлама баркамол униб-ўсишлари учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш масаласида доим тушунтириш ишларини олиб бораман.

Ўқишнинг дастлабки кунлари шахслараро мулоқот тушунчаларидан маълумот берилди. Бу тажриба ниҳоятда муҳим экан. Чунки энди мен фақатгина терапевт эмас, кези келса, акушер-гинеколог, эндокринолог, қолаверса, болалар шифокори сифатида ҳам барча саволларга жавоб беришим мумкин бўлади. Назарий машғулотларда бир нарсани яхши англадимки, умумий амалиёт шифокори доим аҳоли орасида, унинг соғлиги учун масъулият нималигини ҳар дақиқада ҳис этиб туриши керак.

Поликлиникамизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарорлари асосида ўз лойиҳамни ривожлантириб бормоқдаман. Беморларнинг юздан ортиғи қандли диабет хасталиги билан рўйхатда туради. Улар орасида фертиль ёшидаги аёлларнинг борлиги ҳам мени доим ташвишга солиб келарди. Танлаган лойиҳам орқали ушбу касалликни эртароқ аниқлаш, даволаш, профилактика қилиш

(Давоми. Боши 3-бетда).



бўйича янги тажрибаларни умумлаштирган ҳолда ишимни самарали давом эттириш ниятидаман.

“Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув курси ва унда яратилган имкониятлар учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Саломатлик-3” лойиҳаси ташкилотчиларига барча тингловчилар номидан миннатдорчилик билдираман.

**Назира МАГРУПОВА,**
**Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 18-оилавий поликлиника акушер-гинекологи:**

– Узлуксиз таълим жараёнларининг ташкил этилиши тор мутахассисликдаги шифокор фаолиятида асосий ўринга эга десак, хато қилмаган бўламиз. Ўқув-семинарга келаётган ҳар бир тингловчи ўз фаолиятидан келиб чиққан ҳолда машғулотларда фаол иштирок этмоқда. Дарс жараёнларидаги мавзуларни тингловчиларга тўлақонли тарзда етказиш учун барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда. Ушбу билимлар бўйича ўзаро фикр алмашув, интерфаол ўйинлар, гуруҳларга бўлиниб, ечими топилмаган муаммолар бўйича таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Берилаётган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида поликлиникамизда амалиётлар ўтказмоқдамиз. Узлуксиз таълим жараёнларининг ўзига хос тартиблари бўлиб, шифокорларнинг билим даражасини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг олдини олишни янада такомиллаштиришга қаратилгани билан муҳимдир.

Курснинг дастлабки кунидан “Туғиш ёшидаги аёлларда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва ёрдам кўрсатиш” мавзусидаги лойиҳани танладим. Лойиҳа мақсади аҳоли орасида скрининг текширувларининг аҳамиятини очиб бериш, аёллар соғлигини мунтазам назорат қилиб бориш, айниқса 1096- ва 1144-қарорлар доирасида белгиланган чора-тадбирлар самарадорлигини сифат жиҳатдан яхшилашга эътибор қаратишдир.



Бугунги кунда “Соғлом она – соғлом бола” миллий дастурини амалиётга кенг жорий этиш, ҳудуддаги ҳар бир аёл соғлигига бўлган масъулиятни ошириш лозимлигини ушбу лойиҳа тасдиқлаб турибди. Назариядан амалиётга борганимда, албатта оила шифокори сифатида аҳоли билан ишлайман. Аёллар орасида учраётган турли касалликлар, ҳомиладорликдаги юқумли касалликларни бартараф этишнинг содда ва халқона усулларини қўллашга ҳаракат қиламан. Мазкур йўналишда устозларимиздан кўпгина назарий кўникмалар олдик. Ушбу долзарб мавзуни ўрганиш учун ҳудудимиз аҳолиси билан кўпроқ ишлашга тўғри келади. Чунки бу каби жиддий касалликларни ташҳислаш муайян вақт, шу билан бирга кучли билим ва тажрибани ҳам тақозо қилар экан. Туғиш ёшидаги аёллар касаллигини қисқа фурсат ичида аниқлаб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимига қандай эришиш мумкинлигини ўзлаштириб бордик. Эндиликда поликлиникамизга келган туғруқ ёшидаги аёллар, қолаверса, болаларни ҳам текширувдан ўтказиб, керакли маслаҳатларимни беряпман. Шошилинч даволаш чораларини кўриш лозим бўлса, дарҳол шаҳар шифохоналарига йўлланма тайёрлайман.

Эътирофлиси, кейинги йилларда давлатимиз томонидан бирламчи тизимга эътибор кучайтирилиб, бу борада самарали ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Қувончлиси шундаки, илгарилари оддий текширув ёки шифокор керак бўлса, аҳолимиз йўл босиб, туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қиларди. Эндиликда улар ёнларидаги оилавий поликлиникага келиб, керакли маслаҳат, кези келганда, кунлик стационарда даво муолажаларини олиб кетишади. Бунинг баробарида муассасада ишлаётган шифокор ва ҳамширалар узлуксиз таълим жараёнларидан баҳраманд бўлмоқда.

Авваллари малака ошириш учун республика ёки вилоятдаги ўқув масканларига борар эдик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» ҳамкорлигида ташкил этилаётган ўқув курслари биз, мутахассислар учун, катта қулайликлар яратди. Биринчидан, иқтисодий тежамкорликка, иккинчидан – фаолиятимиздан ажралмаган ҳолда ўқиш имкониятига эга бўляпмиз. Устозларимизнинг олиб бораётган дарс машғулотлари жуда қизиқарли ҳамда тингловчи онгига етиб борадиган даражада бўлиб, билим ва малакаларимиз ошишида аҳамиятлидир. Машғулотлар давомида кўргазмали қуроллар ҳамда мавзуга оид видеоматериаллардан фойдаланилиши малакамизни бойитишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дарслар стандарт талаблар асосида, яъни интерфаол усулда эканлиги янада аҳамиятли. Ўқув курсини тамомлагандан сўнг ҳудудимизда танлаган мавзумни давом эттириб, аҳолига малакали хизмат кўрсатиш йўлида бор куч ва имкониятимни аямайман.

**Матлуба АЗИМОВА,**
**Наманган вилояти Чуст тумани “Варзик” ҚВП врач-педиатри:**

– Биринчи ўқув марказида таълим олишимиз учун бизга барча шароитлар яратиб берилди. Қувонарли томони, ўқитиш тизими янгича тамойилларга, таълим стандартлари жаҳон тажрибаларига асосланган. Умумий амалиёт шифокорини аҳоли дарди, ижтимоий аҳволи ва сиҳат-саломатлиги учун бирдек масъулиятли шахс, дегим келади.

Мен кўп йиллар болалар шифокори бўлиб фаолият юритдим. Ўн ойлик курсдан кейин ҳамма касалликларни биладиган даражадаги билимларни эгаллашга муваффақ бўлдим. Бу ерга ўз хоҳишим билан келдим. Ҳозир қабулимизга аёллар, катталар мурожаат қилса ҳам, бирдек маслаҳат бера оламиз.

Ўқув марказимизда тажрибали мутахассислардан билим сирларини мукаммал ўрганмоқдамиз. Бу кўникмалар амалиётда қўл келмоқда. Эндиги мақсадим – устозларимдан олган билимларимни аҳоли орасида кўпроқ татбиқ қилиш, янгиликлар сари интилиб, малакамни бойитиб боришдир. Ҳудудимизда 15 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2400 тасига бўлажак умумий амалиёт шифокори сифатида хизмат кўрсатаман.

Назарий ва амалий билимларимни янада мустаҳкамлаб, аҳоли билан мукаммал ишлаш, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик ҳамда тиббиётнинг бир қанча муҳим йўналишларида фаолиятни кучайтириш зарур деб биламан.

Ўқув давомида “Болаларда рахит касаллиги ва унинг олдини олиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш” лойиҳаси бўйича изланиш олиб боряпман. Бу жараёнда ўзига хос маълумотларга эга бўлиб, оилада биргина беморни эмас, балки бутун оила аъзолари соғликларини назорат қилиш муҳимлигини тушуниб етдим. Бундай фаолият юритиш шифокордан ўз устида мунтазам ишлашни талаб этади. Назарий ва амалий билимларимиз кейинги фаолиятларимизда маҳсулини бериб, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларига бўлган фаолиятимизни янада кучайтиради, деган умиддаман. Шундай шароит ва имкониятларни яратиб бераётган барча мутасаддиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

(Давоми 5-бетда).

# КАСБИЙ МАЛАКА, ИЗЛАНИШ ВА ТАЖРИБА – ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ




***Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз томонидан кадрлар масаласига бўлган эътибор кучайиб, бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Айниқса тиббиёт соҳаси мутахассислари билимларини ошириш мақсадида ўтказилаётган узлуксиз таълим жараёнларининг давомийлиги, фаолиятдаги ишлар янада яхшиланиши ва аҳолининг тиббий маданияти ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «Саломатлик-3» лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши, том маънода, қайд қилинган кўрсатма ва амалий фаолиятга туртки десак, хато бўлмайди.***



Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида жойларда янги типдаги қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш, муассасаларни зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали кадрлар фаолиятини такомиллаштириш сингари ислоҳотлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Давлат дастурининг ягона мақсади аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш, касалликни эрта аниқлаш ва самарали даволашга эришиш, жаҳон тиббиёти тажрибаларини фуқаролар саломатлиги йўлида татбиқ этиш ва бу орқали тиббиётимиз ривожини юксалтиришдир.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги амбулатор тиббиёт кафедраси умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсида таҳсил олаётган тингловчиларнинг мулоҳазалари фикрларимизга ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўлдик.

**Малика НИЯЗОВА,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти амбулатор тиббиёт кафедраси қошидаги УАШ малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси ассистенти:**

– Бу йилги тингловчиларимиз сони 58 нафарни ташкил қилади. Ўқув курсида Сирдарё, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳридаги оилавий ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари шифокорлари “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида таҳсил олмоқда.

Умумий амалиёт шифокори номига эга бўлган тор мутахассисликдаги шифокорлар асосий фаолиятни ҚВП ва поликлиникаларда олиб боришади. Бу шифо масканларида аҳоли билан ишлаш принципи анча юқори. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшайди. Мавсум ўзгариши билан турли юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, уларнинг профилактикаси, ташҳислаш ишлари аввало ҳудудий тиббиёт муассасаларида ўтказилишини назоратга олиб, умумий амалиёт шифокорларини кенг кўламда тайёрлаш масалаларига жиддий ёндошилган. Ўқув дастурларимиз жаҳон талабларига тўла мос келади. Қувонарли томони, ҳар бир тингловчи муайян бир мавзуга қаратилган лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

**Зулфия БАКИРОВА,**
**Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани “Қўрғонча” қишлоқ врачлик пункти акушер-гинекологи:**

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-1, 2” лойиҳалари доирасидаги ўн ойлик ўқув курсининг узвий давоми бўлган “Саломатлик-3” лойиҳаси бўйича ташкил этилган машғулотларда иштирок этаётганимдан мамнунман.

Анча йиллардан буён “Қўрғонча” ҚВПда акушер-гинеколог вазифасида ишлаб келаяпман. Барчамизга маълумки, давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли бу борадаги фаолият жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда нуфузли халқаро ташкилотлар ва 50 га яқин ривожланган мамлакат вакиллари иштирокида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиумнинг юқори даражада ўтганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.





Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 1 июлда қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳар бир тиббиёт ходими зиммасига янада катта масъулият юклади. Бу борада ҚВПмизда ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, аҳоли орасида тарғибот кучайтирилди. Юқумли, ижтимоий ва яна бир қанча касалликларнинг олди олиниб, аҳолининг ўз соғлигига бўлган эътибори ошди. Шу жараёнда бириктирилган маҳаллалар билан ишлаб, она ва бола соғлиги учун фақат она эмас, балки оила аъзолари, тиббиёт ходимлари, қолаверса, кенг жамоатчилик бирдек масъул бўлиши зарур экан. Шу ўринда бир нарсани айтмоқчиманки, касбим акушер-гинеколог бўлгани боис менга фақат аёллар мурожаат қилишар эди. Эндиликда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида ўн ойлик ўқув курсида таҳсил олиб, умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўламан. Биргина она-бола эмас, бутун оила аъзоларининг асосий шифокорига айланаман ва барча касалликларга ташҳис қўйиш ҳамда даволаш муолажаларини олиб бораман.

Ўқув марказида дарс машғулотлари жаҳон стандартлари асосида ўтаётганлиги келажакда касб маҳоратим ошишида муҳим аҳамият касб этади. Дарс жараёнларида тажрибали устозларимиз Абдумалик Джалилов, Малика Ниязова, Гулчеҳра Маҳкамова, Исматилла Умаров ва Фахриддин Шокировларнинг бераётган билимлари орқали тиббиёт нақадар кенг қиррали эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Албатта, орттирилаётган тажрибалар замирида инсон саломатлиги ётар экан, ҳар бир тиббиёт ходими билимини мунтазам ошира бориши зарур, деб биламан. Фаолиятимдан келиб чиққан ҳолда ўқув доирасида “Фертиль ёшидаги аёлларда кечаётган касалликларнинг олдини олиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш” мавзусидаги лойиҳани танладим ва изланишларни бошладим. Ўқув якунида ушбу изланишим асосида имтиҳон топшираман ва келгусидаги фаолиятимда ушбу лойиҳа бўйича янада чуқурроқ шуғулланишни давом эттираман.

**Дилором СОБИТОВА,**
**Тошкент шаҳар 22-оилавий поликлиника педиатри:**

– Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу албатта, мутахассиснинг амалдаги фаолиятини янада ривожлантириб, иш самарадорлиги ошишида хизмат қилади.

Давлат сиёсати даражасида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бормоқда.

